деб ҳисоблашади. Маълумотларга кўра ушбу ҳолатлар йўғон ичак аномалияларининг 9-11% ини ташкил этади. Шу билан бирга сигмасимон ичакнинг ўзининг узунлигининг ошиши “долихосигма” 15% кузатувларда аниқланади. Бунинг ўзи ҳам қабзиятга фактор сифатида олиб келиши мумкин. Аммо сурункали қабзият билан кечувчи нозологиялар сони бир талай, булар: Гиршпрунг касаллиги, чамбар ичакнинг мотор эвакуатор фаолиятига таъсир этувчи *spina bifida*, синдром Пайра ва бошқалар [19].

Сурункали колостаз – бу болаларда йўғон ичак мотор фаолиятининг пасайиши, чамбар ичак дистал қисми мушак тонусининг сусайиши, суб ва декомпенсация ҳолатлари сабабли нажас массаларининг қотиши ва дефекация жараёнининг оғриқли кечишидир. 30-52% фоиз ҳолатларда қабзият болаларда 5 ёшгача давом этиши, 25% кузатувларда катта ёшда ҳам азият чекиши мумкин. Сурункали қабзиятнинг суб ва декомпенсация шаклларига ўтиб кетиши бу ота-оналарнинг фарзандидаги ҳолатни тўғри баҳоламаслиги, вақтида шифокорга мурожаат қилмаслиги, бирламчи бўғиндаги педитар, гатроэнтеролог ва болалар хирургларининг ушбу патологияни тўғри баҳоламасдан, лозим бўлган текширишларни бажармасдан, керакли бўлган даво чораларни комплекс олиб борилмаслиги оқибатида юзага келади [4].

Сурункали қабзият болалар колопроктологиясида кенг тарқалган ҳолат бўлиб, функционал ва органик касалликлардан бири ҳисобланиб, олиган маълумотларига кўра 10–30% ни ташкил этади. Сурункали қабзиятнинг юзага келишида чамбар ичакнингдаги анатомик, функционал, нейрогуморал ва беморларга психоэмоционал омиллар таъсир этиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омиллар орасида йўғон ичакнинг туғма ёки орттирилган анатомик ўзгариши сифатида долихосигма алоҳида ўрин тутади [8].

Долихосигма сигмасимон ичакнинг узайиши бўлиб, унинг узунлиги, қовушлоқлар сони ва жойлашуви меъёрдан ортиқ бўлиши билан намоён бўлади. Замонавий адабиётларда долихосигма кўп ҳолларда сурункали қабзиятнинг морфологик асоси сифатида қаралади. Айниқса сурункали қабзиятда узоқ давом этган колит фонидида ичак деворидаги яллиғланиш жараёнига нерв охириларнинг ҳам қўшилиши ва уларнинг охири оқибат атрофияси юзага келиши натижасида ичак моторикасининг сезиларли даражада сусайиши фонидида долихосигманинг клиник аҳамияти янада ортади [6].

Патогенез нуқтаи назаридан, долихосигмада ичак таркибининг транзит вақти сезиларли даражада секинлашади. Нормада чамбар ичак таркиби сигмасимон ичакда 8-10 соат ушланиб қолади ва сув сўрилиши ҳисобига нажас шаклланади. Агарда исгмасимон ичак нормага нисбатан узун бўлса сўзсиз нажасни ушбу соҳада 32-72 соатгача ушланиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ичак деворининг механик чўзилиши, рецептор аппаратининг сезувчанлиги пасайиши ва перисталтик тўлқинларнинг сусайишига олиб келади. Натижада дефекация акти бузилади ва сурункали қабзият шаклланади. Ичак мазмунининг узоқ вақт тўпланиб қолиши эндоген интоксикация ривожланишига, микробиоценознинг бузилишига ва маҳаллий яллиғланиш реакцияларига сабаб бўлади [10].

Ҳозирги кунда замонавий тадқиқотларда, олиб борилган илмий иш натижа таҳлилларига кўра, долихосигма фонидида вегетатив нерв тизими дисфункцияси, серотонин алмашинуви бузилиши ҳамда ичак-миозин аппарати фаолиятининг пасайиши каби масалаларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу эса сурункали қабзиятнинг нафақат механик, балки функционал ва нейроген механизмлар орқали юзага келишини исботлади. Шунингдек, болаларда долихосигма психоэмоционал омиллар — хавотир, стресс, дефекациядан қўрқиш синдроми билан қўшилиб келиши, касалликнинг узоқ давом этишига сабаб бўлмоқда [7].

Охириги йилларда долихосигманинг клиник аҳамиятини баҳолашда комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда анатомик ўзгаришлар билан бир қаторда мотор-эвакуатор функция, микрофлора ҳолати, метаболик ўзгаришлар ҳам ҳисобга олиш лозимлигини англатади. Айниқса, сурункали қабзият билан оғриган болаларда долихосигманинг эрта ташхис қилиниши асоратларнинг олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга [5].

Болалар орасида сурункали қабзиятнинг органик сабаби 5% ҳолатни ташкил этади. Аммо унга олиб келувчи сабабларни верификацияси турлича текшириш усулларни ўтказишни

талаб этади. Хирургик даволашга кўрсатма асосан узок муддат ўтказиладиган консерватив даво фойда бермаган ҳолатларда амалга оширилади [14]. Цветкова Л.Н. ва ҳаммуаллифлар (2017) 4-17 ёшдаги болаларда сурункали қабзиятдолихосигма фонида ривожланишини аниқлашган, яъни уларнинг кузатувларида 39,6% ҳолатда долихосигма, 9,5% кузатувларда мегадолихосигма аниқланган [27].

Шу тариқа, замонавий қарашларга кўра, долихосигма болаларда сурункали қабзиятнинг шаклланиши ва давом этишида етакчи патогенетик омиллардан бири эканлиги, унинг роли фақат анатомик эмас, балки функционал, нейрогуморал ва психосоматик механизмлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда.

### **Болаларда сурункали қабзият билан кечувчи долихосигманинг клиник шакллари ва таснифи.**

Болаларда функционал қабзиятга ташҳис қўйишда III кўриб чиқилган Рим мезонларидан (2006) фойдаланилади. Бола ёшидан қаттиқ назар қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: бир ҳафта давомида икки ва ундан кам дефекация жараёни; бир ҳафта давомида бир ва ундан кўп нажас ушлай олмаслик ҳолати; анамнездан дефекация жараёни кучаниш ва оғриқ билан кечади; тўғри ичакда нажас массаларининг кўплиги; анамнезида нажаснинг катта хажмли бўлиб чиқиши. Болага функционал қабзият қўйиш учун юқоридаги факторларнинг икки ва ундан ортигини камида бир ой давомида кузатилиши бўлсагина айтишимиз мумкин [20].

Болаларда таъсирланган ичак синдроми хам эътиборга олиш лозим. Айнан ушбу ҳолатда хам қабзият кузатилади. Унинг асосий симптомларидан биттаси бу абдоминал оғриқдир, яъни ушбу ҳолат айниқса акт дефекация пайтида кучаяди. Рим мезонлари бўйича таъсирланган ичак синдромида қуйидагилар кузатилади: коринда рецидивланувчи оғриқ ёки дискомфорт; дефекациядан кейин ушбу ҳолатни яхшиланиши; хуружга олиб келувчи асосий сабаб бу ич келиш частотаси ва консистенциясининг ўзгаришидир [21].

Охирги маълумотларга кўра. Яна битта функционал ўзгариш мавжуд, у хам бўлса дисхезиядир. Бу ҳолат асосан бир ёшгача бўлган болаларда кўп кузатилади. Боланинг 2-3 ойлигида бошланиб 6 ойлик даврига бориб ушбу ҳолат ўтиб кетади. Дисхезияга қуйидаги белгилар хос: кун давомида бир неча маротаба безовта бўлиб йиғлаши, 10-20 минут давомида кучаниши; “бинафша бола синдроми”; бола одатда дефекациядан кейин тинчланади; нажас юмшоқ қон кетиш аломатларисиз бўлади [9].

Қабзиятга одатда бир қанча сабаблар олиб келади: целиакия, гипотиреодизм, гиперкальциемия, гипокальциемия, овқат оксилларига аллергия, антидепрессантлар ичиш, Витамин Д билан захарланиш, муковицидоз, Гиршпрунг касаллиги, анус ахалазияси, анус атрезияси, анал муковицидоз, Гиршпрунг касаллиги, анус ахалазияси, тешик стенози, орқа мия аномалиялари, қорин олд девори мушаклари аномалияси, долихосигма хам қабзиятга олиб келувчи фактор сифатида қаралади [28].

Сурункали қабзиятда беморларда асосан нажаснинг шаклига эътибор қаратиш лозим (катта хажмдаги нажас массаси), кичик қаттиқ юмалоқ шаклдаги нажас (қўй нажасини эслатувчи), нажас ранги (оч сариқ, жигар ранг, тўқ жигар ранг), ялтироқ бўлиши асосан кўп миқдорда ёғ ажралганда кузатилади. Бристол шкаласи бўйича 7 турдаги нажас массаси фарқланади: 1-тур-қаттиқ, майда дончалар (одатда ич қотиш қабзиятда); 2-тур - колбосасимон, лекин бўлак-бўлак (енгил қабзият); 3-тур – Колбасасимон устида ёриқлар мавжуд (норма соғлом ҳолат); 4-тур – силлик, юмшоқ илонга ўхшаш (энг яхши соғлом ҳолат); 5-тур – юмшоқ бўлақлар, четлари аниқ (клетчатка етишмаслиги мумкин); 6- тур – юмшоқ, бўтқасимон, шаклсиз (енгил ич кетиши); 7-тур – сувсимон қаттиқ қисмлар йўқ (ич кетиш диарея).

Кузмин Н.Е (2009) илмий изланишида 140 нафар долихосигма ташҳис қўйилган беморларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра ушбу беморларнинг 56,4% ида қорин соҳасида оғриқ кузатилган. Яъни қориннинг ўнг ёнбош соҳасида рецидивланувчи оғриқ клиникаси ўткир қорин синдромлари билан дифференциал ташҳисоти амалга оширилган. Ушбу беморларнинг 93,7% ида турғун қабзият ва 53,2% ида

энкопрез аломатлари кузатилган. Шу билан бирга 10% ҳолатларда нажас массаси ичида қон аломатлари ҳам аниқланган [17].

Mugie S. M., Di Lorenzo C., Benninga M. A. (2011) илмий натижалари хулосаларига кўра ESPGHAN, NASPGHAN (2014) тавсияларида юқори клиник тажриба ва юқори даражада ўтказилган илмий тадқиқот, яхши йиғилган анамнез ва синчковлик билан ўтказилган кўрик органик сабабли қабзиятни истисно қилишга етарли деб ҳисоблашади [29, 30]. Функционал қабзиятда “безовталиқ” симптомини эътиборга олиш лозим, яъни унинг белгилари эрта даврда бошланади боланинг 1 ойлигида ич келишининг бузилиши, мекониянинг кеч келиши, нажаснинг оз миқдорда лента шаклида келиши каби аломатлар кузатилади. Инструментал текшириш усулларни кўрсатмага қараб ўтказиш лозим, яъни консерватив даво натижа бермаган ҳолатларда Гишпрунг касаллигини ташхислаш учун олдин барий куйқаси билан ирригограмма, кейинчалик олтин стандарт текшириши тўғри ичак деворидан тўлиқ биопсия олиш орқали асаб толаларни аниқлаш, умуртқа поғонаси МРТ текшириш spina bifida ташхисоти учун зарур текшириш усуллари.

Сурункали қабзият қуйидагича таснифланади:

### **1. Келиб чиқишига (этиологиясига) кўра**

#### **1.1. Функционал ич қотиши**

Энг кўп учрайди (90–95%).

Сабаблари:

- хожатга чиқиш истагини ушлаб юриш
- оғриқли дефекациядан кўрқиш
- овқатланишда тола (клетчатка) ва сув етишмаслиги
- психологик омиллар
- хожатга чиқиш режимининг бузилиши

#### **1.2. Органик ич қотиши**

- Анатомик, неврологик ёки эндокрин касалликлар билан боғлиқ.
- Сабаблари:
- туғма ичак нуқсонлари (долихосигма, мегадолихоколон)
- Гишпрунг касаллиги
- гипотиреоз
- марказий асаб тизими шикастланишлари
- метаболик бузилишлар

### **2. Ривожланиш механизмига (патогенези) кўра**

#### **2.1. Колоноген ич қотиши**

- йўғон ичак ҳаракатининг сусайиши
- нажас кам чиқади
- нажас ҳажми катта бўлади

#### **2.2. Проктоген ич қотиши**

- тўғри ичак бўшашининг бузилиши
- нажасни онгли равишда ушлаб туриш
- энкопрез

#### **2.3. Аралаш тур**

- колоноген ва проктоген механизмлар бирга учрайди

### **3. Клиник кечишига кўра**

#### **3.1. Компенсацияланган**

- нажас 2–3 кун кечикади
- боланинг умумий аҳволи яхши
- даволашга яхши жавоб беради

#### **3.2. Субкомпенсацияланган**

- нажас 3–5 кун чиқмайди
- қорин оғриғи, дам бўлиш

- дори воситалари талаб этилади
- 3.3. Декомпенсацияланган
- нажас 5–7 кун ва ундан ортик чикмайди
  - интоксикация белгилари
  - нажас тўпланиб қолиши, энкопрез

#### 4. Давомийлигига кўра

- Ўткир ич қотиши – 3 ойгача
- Сурункали ич қотиши – 3 ойдан ортик

#### 5. Ёшига кўра

- янги туғилган чақалоқларда
- эрта ёшдаги болаларда
- мактабгача ёшда
- мактаб ёши ва ўсмирларда

#### 6. Диагностик классификация

(Рим IV мезонлари)

• Сурункали функционал ич қотиши қуйидаги белгилардан камида 2 таси мавжуд бўлса қўйилади:

- ҳафтада 2 марта ёки кам дефекация
- оғриқли дефекация
- катта ҳажмли нажас
- нажасни ушлаб туриш
- нажас ушлайолмаслик (энкопрез)

**Болаларда сурункали қабзият билан кечувчи долхосигмани консерватив даволашдаги замонавий қарашлар.**

Қабзиятни даволашда энг асосийси сабабини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, агарда қабзиятга органик сабаб топилмаса у холда ота-оналарга дефекация жараёнини нормал ҳолатга келтириш тез орада бўлмаслигини, бунинг учун ўзаро ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган тавсияларни ўз вақтида тўғри бажариш лозимлиги тушинтирилади. Энг асосийси хар кун нажас келишини таминлаш учун кунига 2-3 маротаба 5 минутдан кўп бўлмаган ҳожатга ўтиришни назорат қилиш лозим. Бундан ташқари катта ёшдаги болаларда мувозанатли овқатланишга катта эътибор қаратиш лозим, яъни ширинликлар, тез хазм бўлувчи углевод маъсулотлари, газли ичимликлар ва жуда ёғли овқат махсулотларини чеклаш, кундалик суюқлик эҳтиёжи тўғирлаш, сабзавотларни кўроқ истемол қилиш тавсия этилади. Дори воситаларидан: осмотик дори воситалари (лактолоза, дюфолак), полиэтиленгликоль, вазелин ёғи, сенна, бисакодил, гутталакс, глицерол ва микроклизмалар кенг қўлланилади [11].

Болаларда қабзиятни даволашда пробиотикларни қўллаш бўйича адабиётдаги маълумотларга кўра олимларнинг фикрлари турлича. Шунга қарамасдан яқинда олиб борилган илмий тадқиқотда L. Reuteri нинг қабзият олдини олишда муҳим аҳамият қилиш кўрсатилган [28]. Озиқ-овқат толаларини қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: озиқ овқат тола г/кун = 5 + бола ёши. Озиқ овқат тола кўп сақловчи псиллиум (мукофальк 12 ёшдан, фитомуцил 3 ёшдан) кенг қўлланилади. Диета фойда бермаган ҳолатларда медикаментоз даволан ич сурувчилар қўлланилади. Аммо кўплаб воситаларда қўллашга чекловлар мавжуд ва асоратлари бор, яъни ўсимликлардан тайёрланган антрахинонлар, синтетик ич сурувчилар, касторово ёғи ўрганиб қолишга ва диаереяга олиб келади. Ўсимликлардан тайёрланган ич сурувчилар (сенна) баъзи маълумотларга кўра меланоз чақириси мумкин. Ич сурувчиларга асосий қўлланилиши бу гипомотор қабзият, операция олди тайёргарлиги, операциядан кейинги даврларда қўлланилади [13].

Тузли ич сурувчилар (Ессентуки №17, магний сульфат, натрий сульфат, магний оксид) болаларда қўллаш чегараланган, сабаби бу воситалар электролит алмашинувини бузлишига олиб келиши мумкин. Ёғли ич сурувчилар баъзи нутриентларнинг ва ёғда эрувчи

витаминарнинг сўрилишини бузади. Болаларда ич сурувчилардан энг кўп қўлланиладигани осмотик воситалардир. 6 ойгача дюфлакни қўллаш мумкин. Ойликдан катта болаларда Европа ва Америка гастроэнтерологлар, гепатологлар ва нутрициологлар тавсиясига кўра энг макул дори воситаси полиэтиленгликол (форлак 6 ойликдан бошлаб) ҳисобланади. Бошланғич доза 0,4 г/кг кунига берилади. Ушбу дори воситасининг яхши томони сув молекуласини ўзги бириктириши ҳисобига физиологик механизм асосида нажас массасини юмшатади ва ҳажмини оширади. Натижада йўғон ичакдаги биорецепторлар таъсирланади ва дефекация жараёни яхшиланади. Даволаниш курси адабиётдаги маълумотларга кўра 4 хавтадан 3 ойгача дейилган, аммо баъзи олимларнинг илмий иш натижалри бўйича 6 ой ва ундан ортиқ муддат берилган маълумотлар ҳам мавжуд. Беморда кунига бир маротаба нормал шаклланган нажас кузатилгунга қадар курс даво давом эттирилади ва кейинчалик камида бир ой муддат давомида дори воситасининг дозаси камайтирилиб борилади [5].

Эрта ёшдаги болаларда глицерин ректал шамчалари қисқа муддатга қўлланилади. Бундан ташқари 6 ойликгача бўлган муддатда 3-6 кун давомида кунига 1 махал клизмалар тавсия этилади. 6 ойликдан ошгандан кейин аоссини полиэтиленгликол сақловчи восита 1-1,5 г/кг кунига ичишга берилади. Берилган дори воситаларининг эффективлигини тавсия этилгандан кейин камида 2 хафтада баҳолаш мумкин [25].

Дефекация жараёнини яхшилашда ич келишини стимуляция қилувчи воситалардан спазмолитик хусусиятга эга бўлган дюспаталин 12 ёшдан катта болаларда, бускопан 6 ёшдан катта болаларда, тримедат 3 ёшдан катта болаларда кенг қўлланилади. 3 ой ва ундан кўп муддатда даво натижа бермаса, органик қабзиятга, Гиршпрунг касаллигини ташхислаш учун биопсия ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сурункали қабзият билан кечувчи доликосигма ташхиси билан кўпчилик ҳолатлардан гастроэнтеролог ва педиатрларда Гиршпрунг касаллигининг ректал ультра қисқа шакли узок муддатга даволанишига ва ушбу касалликнинг кеч ташхисотига сабаб бўлади [16].

2011 йил Корейн ҳамкорлигининг (Cochrane Collaboration) олиб борган натижаларига кўра лактулозага нисбатан полиэтиленгликолнинг эффективлиги исботланган, яъни қабзиятни даволашда, нажас массасини нормаллашишида ва қорин оғриғи синдромини бартараф қилишда яхши натижа кўрсатган. Полиэтиленгликол ишлатилганда хафта давомида дефекация актларининг кўплиги ва қорин оғриғининг бартараф қилинишида яхши натижа кўрсатган [32].

N. L. H. Bekkali ва ҳаммуаллифлар рандомизирланган текширишларида оғиз орқали ичиладиган осмотик ич сурувчилар ва тозаловчи клизма воситаларни натижаларини тахлилини олиб боришган. Тадқиқотга сурункали қабзият билан азият чекаётган 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 90 нафар бемор киритилган. Биринчи гуруҳ беморларга peros полиэтиленгликол берилган. Иккинчи гуруҳ 6 ёшдан катта беморларга гидроксид диоксисульфосукцинат воситаси ёрдамида 120 мл миқдорида тозаловчи клизма 2 хафталик муддатга тавсия этилган. Иккала гуруҳдаям тахлил қилинганда 68-80% ҳолатларда ич келиши хафтасига 3 маротаба кузатилган [33].

Консерватив даволаш бир неча босқичда олиб борилиши лозим: 1) ота-она ва фарзандга кундалик эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар: кундалик дефекация бўлишини таъминлаш, дефекация кундалигини юритиш; 2) тўғри ичак ва сигмасимон ичак қаттиқ нажас массалари билан тўла ҳолат бўладиган бўлса, олдинига шу нажас массаларидан ичакни тозалаш лозим; 3) осмотик ич сурувчиларни бериш полэтиленгликол таркибли дори воситасини тавсия этиш, кўрсатмага кўра стимулловчи ич сурувчилардан бисакодил ва сенна воситаларини бериш, курс давоси 3-6 ой; 4) диета, орагнизмга сув эҳтиёжи ва клечаткани етарли миқорда истемол қилиш [31].

Сурункали қабзиятни даволашда физик факторлардан ҳам кенг фойдаланилади, масалан: дори воситалари ёрдамида электрофорез, юқори частотали терапия, магнитотерапия, флюктуоризация, импульсли тоқлар, криомассаж, юқори босимли майда оқимли сув душлари, иссиқ терапияси, балчиқли даво ва хакоза. Шу билан бир қаторда баъзи олимларнинг фикрига

кўра сурункали қабзиятда физиотерапевтик муолажаларнинг фойдаси айтарлик давржада эффектив эмас [22, 23].

Сурункали қабзиятда кондукцион криотерапия таъсири натижасида маҳаллий қон айланишнинг яхшиланиши, томирлар тонусининг мўтадиллашиши, моторика, метаболизм ва йўғон ичак трофикасининг яхшиланиши унинг реабилитацияда қўллаш лозимлигини англатади. Шу билан бир қаторда болалик даврида қўлланилиши бўйича етарли маълумотлар жуда кам [24].

Шундай қилиб, сурункали қабзиятда консерватив давнинг эффективлиги, ўз вақтида тўғри қўйилган ташҳисга боғлиқ. Ўз вақтида тўғри олиб борилган консерватив даво 80% адн юқор ҳолатларда ижобий натижага эришига олиб келади. Сурункали қабзият 1-2 консерватив даво курси билан яхши бўлиб қолмайди, бундай беморлар 2-3 йил давомида кузатувда бўлиши ва керак бўлганда қисқа муддатли даво ўтказилишига мухтождирлар.

**Болаларда сурункали қабзият билан кечувчи долихосигмада хирургик даволашга кўрсатмалар ва замонавий хирургик даволаш усулини қўллаш масалалари.**

Хамраев А.М., Мирзахмедов У.М. (2018) илмий тадқиқот натижаларига кўра болаларда сурункали қабзиятда хирургик даволашга кўрсатма бўлиб, касалликнинг суб ва декомпенсация шаклларида узоқ муддат ўтказилган самрасиз консерватив даводан кейинга ҳолатларда, беморнинг ҳаёт сифатига тубдан салбий таъсир кўрсатганда, сурункали редивланувич ичак тутилишларига сбаб бўлганда қўйилиши лозим деб ҳисоблашади. Олимларнинг фикрига кўра сурункали қабзиятда 3 ёшгача бўлган болаларда оптимал хирургик даво усули бу трансанал йўл орқали Де Ла Торре-Мандрагон операцияси, мактаб ёшигача бўлган болаларда Соаве-Ленюшкин ва катта ёшдаги болаларда ичак рекзекцияси ва фиксациясини амалга ошириш кераклигини таъкидлашган [26].

Акилов Х.А. ва ҳаммуаллифлар (2011) ўз тадқиқотида 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган 62 нафар сурункали қабзият билан ташҳислаш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишган. Шулардан 90% тсационарга дастлабки ташҳис ўткир аппендицит билан госпитализация қилинган. Уларнинг аксарияти қориннинг ўнг ёнбош ва киндик соҳасидаги хуружсимон оғриққа кўнгил айниш, қайд қилишга шикоят қилишган. 10% беморлар ичак тутилиши клиникаси билан ётқизилган. Бу беморларда қорин дам бўлиши ич келмаганлиги қайд ва холсизлик шикоятлари кузатилган. Ушбу беморларнинг барчаига УТТ, рентген ва МСКТ текширишлари ўтказилган. Ирргография қилинганда долихосигма аниқланган. 56,2% беморда долихосигманинг компенсация босқичи, 25% субкомпенсация ва 12,5% да декомпенсация аниқланган бўлиб, шунга кўра даво тактикаси тавсия этилган. Декомпенсация босиқичдаги беморларга лапаротомия чап томнлама гемиколэктомия операцияси амалга оширилган [3].

Энг долзарб ва кўплаб ўз тарафдорларини топаётган кам инвазив хирургик технологияларнинг долихосигмани даволашда қўлланилаётганлигидир. Бу усул кам жароҳатлилиги, узоқ муддатда функционал яхши натижа бериши ва операциядан кейинги даврда асоратлар камлиги билан ажралиб туради. Ушбу келтирилган факторларни эътиборга олган ҳолатда, оптимал даво тактикасини танлаш мақсадида, болаларда долихосигмани консерватив ва хирургик даволаш усулларининг эффективлигини комплекс таҳлил қилиш лозимлигини англатади [2, 12].

Кўпчилик ҳолатларда буни консерватив даво орқали бартараф этишнинг имкони бўлмайди. Натижада хирургик даволаш масаласи илғор сурилади. Хирургик даволашнинг моҳияти ортиқча ичак қовулоқларни бартараф этиш ва чамбар ичак орқали ичак таркибини тарзити масофасини қисқартиришдан иборатдир. Болалар жарроҳлигининг клиник амалиётига янги замонавий юқори технологияли ускуналарнинг жорий этилиши туфайли дунёнинг кўплаб етакчи клиникаларида болаларда сурункали қабзият билан кечувчи долихосигмада кам инвазив эндоскопик жарроҳлик операцияларни қўллаш бўйича кўплаб ишлар келтирилмоқда. Анаънавий усулларга қараганда кам инвазив эндовизуал хирургиянинг сўзсиз афзал томонлари мавжуд. Операциянинг кам жароҳатлилиги орқали беморнинг тез фаоллашиши, операциядан кейинги асоратларнинг камлиги ва стационарда бўлиш

муддатининг қисқаришидир. Шу билан бирга энг муҳим бўлган кшплаб масалалар бўйича олимлар орасида қарама қарши фикр ва мулохазалар мавжуд, яъни сурункали қабзият билан кечувчи долихосигмада қай ҳолатларда консерватив даво натижа бермайди, операция ўтказилиш вақтига, беморларнинг ёшига ва касалликнинг кечиши босқичини эътиборга олган ҳолатда хирургик давога аниқ кўрсатмалар шулар жумласидандир [1, 15].

**Хулоса.** Шундай қилиб, замонавий адабиётлар таҳлили асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, болаларда сурункали қабзият кўп омилли патология бўлиб, унинг шаклланишида долихосигма муҳим морфологик ва патогенетик омил сифатида қараш мумкин. Сигмасимон ичакнинг узайиши ичак моторикасининг бузилиши, эвакуатор функциянинг секинлашиши, микробиоценоз ўзгариши ҳамда эндоген интоксикация ривожланишига олиб келади. Долихосигманинг болалар организмнинг функционал етарли шаклланмаган даврида учраши сурункали қабзиятнинг барқарор кечишига ва асоратлар ривожланишига замин яратади. Шу боис, сурункали қабзиятли болаларда долихосигмани эрта ташхислаш ва комплекс патогенетик ёндашув асосида баҳолаш касалликни самарали даволаш ва болалар ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Болаларда долихосигмани консерватив ва хирургик даволашда индивидуал ёндошишга асосланган даво алгоритминини ишлаб чиқиш, хирургик даволашга аниқ кўрсатмаларни ишлаб чиқиш педиатрия ав болалар хирургиясининг илмий ва амалий вазифаси ва замон талаби ҳисобланади.

#### REFERENCES | СНОККИ | IQTIBOSLAR:

1. Акилов Х. А., Саидов Ф. Х., Ходжимухамедова Н. А. Диагностика и лечение хронического колостазы при долихосигме у детей //Казанский медицинский журнал. – 2013. – Т. 94. – №. 6. – С. 831-838. (in Russ)
2. Акилов Х. А., Саидов Ф. Х. Лечение хронического колостазы при долихосигме у детей с реконструкцией ободочной кишки //Вопросы реконструктивной и пластической хирургии. – 2014. – Т. 17. – №. 1. – С. 11-15. (in Russ)
3. Акилов Х. А., Ли Э. А., Урмонов Н. Т. Тактика лечения хронических запоров при долихосигме у детей //Вестник экстренной медицины. – 2011. – №. 3. – С. 54-57. (in Russ)
4. Айтмолин Б. А. и др. Современные подходы диагностики и тактики ведения пациентов с хроническим копростазом при декомпенсированных формах дисфункции толстой кишки //Бюллетень науки и практики. – 2024. – Т. 10. – №. 6. – С. 234-252. (in Russ)
5. Бабаян М.Л., Хавкин А.И. Коррекция функциональных запоров в педиатрии: современный взгляд и проверенные веками истины. Consilium medicum Педиатрия 2012; 1: 56–59. (Babayan M.L., Khavkin A.I. Correction of functional constipations in pediatrics: a modern view and truth checked for centuries. Consilium medicum Pediatriya 2012; 1: 56–59.) (in Russ)
6. Безпалый А. А., Шатова Ю. С. Субтотальная резекция толстой кишки при декомпенсированном долихоколоне: клинический случай //Вестник Бурятского государственного университета. Медицина и фармацевция. – 2025. – №. 1. – С. 3-10. (in Russ)
7. Белоусов Ю.В., Хавкин А.И. Детская гастроэнтерология. – Москва: МЕДпресс-информ, 2020. – 640 с. (in Russ)
8. Богомолова И. К. Клинико-патогенетическая характеристика и оптимизация терапии хронических запоров у детей: дис. ... канд. мед. наук: 14.00.08. Чита, 2016. 145-стр. (in Russ)
9. Боднар А. Б. Современные гендерно-возрастные особенности течения хронического органического запора у детей //Детская хирургия. – 2014. – Т. 18. – №. 1. – С. 22-25. (in Russ)
10. Герасименко М. Ю. и др. Способ лечения хронических запоров у детей. – 2010. (in Russ)
11. Горелов А. В., Шевцова Г. В., Ратникова М. А. Новый подход в лечении хронического запора у детей //Вопросы современной педиатрии. – 2009. – Т. 8. – №. 1. – С. 85-89. (in Russ)

12. Гулов М. К. и др. Хронический толстокишечный стаз: некоторые аспекты диагностики и лечения //Экспериментальная и клиническая гастроэнтерология. – 2023. – №. 12 (220). – С. 120-129. (in Russ)
13. Думова Н. Б., Кручина М. К. Функциональный запор у детей разных возрастных групп //РМЖ. – 2012. – Т. 20. – № . 15. – С. 792–799. (in Russ)
14. Ейник Е. Д., Морозов А. М. Долихосигма у детей //Молодежь, наука, медицина. – 2018. – С. 419-423. (in Russ)
15. Zh K. A. et al. Результаты хирургических аспектов комплексного лечения суб и декомпенсированных форм хронических колостазов у детей //Azerbaijan Journal of Perinatology and Pediatrics. – 2023. – Т. 9. – №. 2. – С. 34-43. (in Russ)
16. Корнева В. В. и др. Ведущие проявления хронических запоров у детей и возможные пути их разрешения //Современная педиатрия. – 2014. – №. 5. – С. 128-134. (in Russ)
17. Кузмин Н. Е. Долихосигма как причина рецидивирующего болевого синдрома в правой подвздошной области у детей //Современные технологии в медицине. – 2009. – №. 1. – С. 67-69. (in Russ)
18. Малых А. Л. Клинико-психологические проявления хронического запора и энкопреза у детей и подростков //Фундаментальные исследования. – 2011. – №. 7. – С. 103-107. (in Russ)
19. Назаров Н. Н. и др. Особенности клиники и диагностики врожденных удлинений и расширений толстой кишки у детей //ВЕСТНИК ВРАЧА. – С. 41. (in Russ)
20. Nurmatov U., Rakhimov V. Ўзбекистонда болалар орасида функционал қабзиятнинг клиник хусусиятлари. Педиатрия журнали. 2021; №4: 45–49. (in Russ)
21. Пахомовская Н. Л., Татьяна О. Ф., Лазарева Т. Ю. Функциональные запоры у детей //Медицинский совет. – 2022. – Т. 16. – №. 1. – С. 106-113. (in Russ)
22. Смирнова, С.Н. Флюктуирующие токи в комплексном лечении детей с врождёнными аномалиями развития толстой кишки: автореф. дис. ... канд. мед. наук: 14.03.11 / Смирнова Светлана Николаевна -М., 2013. – 24 с. (in Russ)
23. Тальковский Е. М. Применение кондукционной криотерапии при хроническом запоре у детей: дис. ... канд. мед. наук: 14.03.11. Москва, 2019. 137-стр. (in Russ)
24. Филимонов, Р.М. К механизму действия криомассажа брюшной стенки при гастродуоденальной патологии / Р.М.Филимонов, Е.М.Стяжкина, Т.Р.Филимонова //Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК.-2013.-№5.-С.46-50. (in Russ)
25. Хавкин А. и др. Применение осмотических слабительных у детей //Вопросы современной педиатрии. – 2008. – Т. 7. – №. 3. – С. 99-102. (in Russ)
26. Хамраев А., Мирзахмедов У. Хирургические аспекты лечения хронических колостазов у детей //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2018. – №. 3 (102). – С. 98-103. (in Russ)
27. Цветкова Л. Н., Мухина Ю. Ф., Цветков П. М., Горячева О. А. Механизм формирования и особенности течения хронического запора у детей // Педиатрия. Журнал им. Г. Н. Сперанского. – 2017. – Т. 96. – № . 6. – С. 8–13. (in Russ)
28. Indrio F., Di Mauro A., Riezzo M. et al. Prophylactic use of a probiotic in the prevention of colic, regurgitation, and functional constipation: a randomized clinical trial. JAMA Pediat 2014; 168: 228–233.
29. Mugie S. M., Di Lorenzo C., Benninga M. A. Constipation in childhood. Nature reviews Gastroenterology & hepatology. – 2011, Vol. 8, no.9, pp.502–511.
30. Mugie S.M., Benninga M.A., Di Lorenzo C. Epidemiology of constipation in children and adults: a systematic review. Best Practice & Research Clinical Gastroenterology. 2011;25(1):3–18.
31. Tabbers M.M., DiLorenzo C. Evaluation and treatment of functional constipation in infants and children. Journal of Pediatric Gastroenterology and Nutrition. 2014;58(2):258–274.

32. Thomas K., Morgan J., Nelson R. L. Lactulose versus Polyethylene Glycol for Chronic Constipation. *Cochr. Database Syst. Rev.* 2010; Issue 7: CD007570. Doi: 10.1002/14651858.CD007570.pub2.
33. Bekkali N. L. H., van den Berg M. M., Dijkgraaf M. G. W., van Wijk M. P., Bongers M. E. J., Liem O. Rectal fecal impaction treatment in childhood constipation: enemas versus high doses oral PEG. *Pediatrics.* 2009; 124: 1108–1115.

**БИОМЕДИЦИНА ВА АМАЛИЁТ ЖУРНАЛИ**  
**ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ**  
**JOURNAL OF BIOMEDICINE AND PRACTICE**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000